



Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI


1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 18 октябрь, чоршанба

№80 (11.265)

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ЯҚДИЛЛИК — МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИНИНГ МЕЗОНИ



мамлакатимизда Туркия ишбилармонлари иштирокида тўрт юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида иш юритмоқда. Юртдошларимизга «СамКочовато», «Демир», «Косонсой — Текмен», «Аларко» каби компаниялар яхши таниш.

Умуман олганда, савдо-иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилган. Бунинг ҳуқуқий пойдевори ҳам мустаҳкам. Аммо, очигини айтганда, ҳозирги кунда бу борадаги алоқалар кутилган суръатга ва имконият даражасидаги самарага эга эмас. Аҳмет Сезернинг таъкидлашича, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги кўриниб турибди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Президентлар томонидан имзоланган қўшма баёнот бу сўнгишликни бартараф этишга ҳизмат қилади.

«Дўрмон»даги музокаралар чоғида ижтимоий, маданий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масаласи ҳам атрофлича қўриб чиқилди. Президент Ислам Каримов ҳамкорлик борасида қабул қилинган қўшма баёнот келгусида ана шу соҳалар бўйича тузулиб, амалга ошириладиган улкан лойиҳалар учун ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Президентлар имзо чеккан иккинчи муҳим ҳужжат Ўзбекистон билан Туркия ўртасида террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотдир. Сир эмаски, асримиз сўнггида инсоният катта муаммоларга дуч келди. Бу бутун жаҳон бўйлаб кенг тарқалётган ҳалқаро террорчилик, экстремизм, ғиёвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик каби иллатлардир. Олам аҳлининг қаттиқ ташвишига тўшаётгани шундаки, бу иллатларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқар-

моқда. Зеро, террорчилик ортда ғиёвандлик моддалари савдоси, унинг ортда эса уюшган жиноятчилик турибди. Шу жихатдан олиб қаралганда, Ўзбекистон ва Туркиянинг бундай иллатларга қарши кураш масаласидаги яқдиллиги ва бунинг натижаси ўларок, икки давлат раҳбарлари томонидан қўшма баёнот имзола-ниши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, террорга қарши курашда мурасасиз бўлган Туркия шу вақтгача бу борада катта тажриба орттирган. Ўзбекистон учун бу тажриба қўл келиши тайин. Лекин айни чоғда террорга қарши курашда бир томонлама ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Бошқача айтганда, икки мамлакат ҳам бир-бирига ёрдам беради. Президентлар бу борада қўшма баёнот қабул қилган бўлса, Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Фуломов ҳамда Туркия Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи генерал-лейтенант Унол Унсопохи ўғли бу баёнотни ҳар томонлама мустаҳкамлайдиган ва қучайтирадиган бошқа ҳужжат — ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларро битимга имзо чекиши.

Музокаралар натижаси ҳақида мўйайн хулоса чиқариш учун учрашув якунида Президентлар таъкидлаган бир гапни эслаш kifoya. Давлат раҳбарлари мулоқотлар қизикарили ва мазмунли ўтганини, улардан қониқарли ҳосил қилганиларини қайд этишди. Ислам Каримов Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш йўлида ташланган муҳим кадам бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизда расмий ташриф билан келган Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябрь кунини Президент Ислам Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонини зиёрат қилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари

ҳамроҳлигида Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Бу ерда Туркия Президенти буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийлар тўғрисида ба-тафсил маълумот берилди.

Туркия Президенти музей зиёрати сўнггида фахрий меҳмонлар китобига дастхат битар экан, журналистларга Ўзбекистонга сафари жуда самарали кечганини айтди: — Музокаралар чоғида муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон томони билан фикрларимиз бир хил эканлиги намоён бўлди, — деди у. — Мавжуд муаммоларнинг барчаси ҳал этилди, дейиш мумкин.

Шу билан Туркия Президенти Аҳмет Неждет Сезернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи нихосига етди. Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов кузатиб қолди. Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари журналистларни қизиктирган саволларга жавоб қайтарди.

— Туркия билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш катта аҳамиятга эга, — деди Ислам Каримов. — Зеро, Туркия ҳарбий жиҳатдан қудратли давлат бўлиши билан бир қаторда, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ва ҳалқаро террорчиликка қарши курашда боз билан музокараларда фақатгина бу масала билан чекланиб қолмаганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз икки томонлама муносабатларга доир қўлпаз масалаларни кўриб чиқдик. Ўйлайманки, ўтказилган музокаралар ва қабул қилинган ҳужжатлар яқин орада ўз самарасини бера бошлайди.

(Ў.А.)

СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа. Д. УСУПОВ ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ- МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЭТИБ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада қучурлаштириш, республиканинг матбаа тармоғини ривожлантиришга, техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни кенг қўлдан жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтириш асосида ахборот-ноширлик фаолиятини ташкил қилишни тақомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 2000 йил 3 апрелдаги 159-ф қарори билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси этиб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада нашриёт-матбаа ишини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш;

аҳолининг юқори сифатли матбуот маҳсулотига бўлган талаб-эhtiёжларини тўлиқроқ қонди-

риш, нашриёт-матбаа маҳсулоти бозорини шакллантиришда фаол иштирок этиш;

хўжалик юретишининг бозор усулларини кенг жорий этиш, компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳолини мустаҳкамлаш;

матбаа ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга хорижий сармояларни жалб этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, илғор хорижий технологияларни матбаа соҳасига татбиқ қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернини ташкил этиш тўғрисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 5 ноябрдаги ПФ-286-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда ушбу Фармонини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2000 йил 16 октябрь.

ЯКУНЛАР ТАҲЛИЛИ КИТОБИ

Ёшлар билиминини аниқлашда тест синовлари таъинининг жорий этилиши миллий таълим жараёнида ўзига хос адолат мезонлари ўрнатилганга сабаб бўлди. Мазкур тизим саккиз йил давомида тибора тақомиллаштириш, дунёдаги етакчи мамлакатларнинг илғор таълими ва технологиясини ўзига сингдириб бормоқда.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази раҳбарларининг жорий йил тест синовлари якунларига бағишланган матбуот анжумани ҳамда 2000 йил тест якунларининг таҳлилий материални китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Давлат тест маркази раҳбари М. Муҳиддинов айтиб ўтганидек, олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириш аввалги йилларга нисбатан сезиларли қўлайгани ёшларнинг юқори малакали касб эгаси бўлишга интилиши кучайгани ҳамда тест синовлари ишончи тибора орттириб бораётганидан дарак беради. Шунингдек, бу йил тест саволлари жамғармасини шакллантиришга, бойитишга катта эътибор берилди. Ундан ташқари талабаларнинг билимининг ҳолисона баҳолаш, қобилияти, иқтидорига муносиб мутахассисларнинг танла олишига имкон яратиш мақсадида массовдан туриб тест синовларини ўтказиш тармоқлари яратилди.

**Н. УСМОНОВА,
Ў.А. мухбири.**

Мана, ўзингиз муҳлиси бўлган газета ёки журналнинг янги сони қўлингизга етиб келди. Дарҳол варақлайсиз, саҳифаларга кўз югуртирасиз, қизикқан мавзудаги мақолани ўқийсиз, бўлмаса бир чеккага суриб қўйсиз.

Бу гаплар айтишга осон, лекин, ана шу оммавий ахборот нашрларининг юзага келиши учун қанчадан-қанча ижодкорлар, бошқа касб эгалари заҳмат чекишган. Афсуски, биз кўп ҳолларда ана шундай машаққат ҳосиласи бўлган матбуот янгилигига, «тандирдан узиб олиниш билан» газетхонларга, журналхонларга етиб бораётганини ёки чанг босиб туриб қоляптими, бу билан камдан-кам қизикамиш, бу бизнинг қусуришимиз, нуқсонимиз. Яқинда мен ана шу айбимни ювиш учун Бўка туманида бўлдим. Ишчи туман почтаси ҳодимлари фаолияти билан танишишдан бошладим. Афсуски, уша кунини почта раҳбарларидан биронтасини учрата олмадим. Айтишларича, улар зарур юмуш билан кетишган экан. Шундан сўнг почтанинг ҳодимлари билан гаплашиб, айрим маълумотларни билди олдим.

Сўхбатдошимиз обунани ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Муборак Асрақулованинг маълумот беришига қараганда, туманда йил бошида 4 минг 488та турли номдаги газета ва журналларга обуна бўлинган экан. Масалан, «Тош-

кент ҳақиқати» газетаси 1737таши ташкил этган. Дастлаб бу рақамларни қўриб хурсанд бўлдик. Афсуски, хурсандчилигимиз ўзюкка бормасди. Сабаби йилнинг биринчи чорағидан кейин бу рақам икки баравар камайган, йилнинг ярмидан сўнг эса бор-йўғи 100 нуска «Тошкент ҳақиқати» қолган, 42 нуска «Халқ сўзи», 4 нуска «Ўзбекистон овози» олинмоқда, холос. Бошқа газеталар сони айтишга ҳам арзимайди. Ўйлаб, мушохада қилайлик. Аҳолиси 100 мингдан ортиқ бўлган, ҳудудий жиҳатдан ҳам анча йирик туман учун бу қандай гап!

Ха, майли. Буни ҳам қўйиб турайлик. Ҳўш, ана шу айтишга арзимайдиган, санокли матбуот нашрлари — газеталар жойларга қандай етиб бормоқда? Муборак Асрақулова бизни матбуот тарқатиш хонасига бошлади. Лекин бу ердаги ишлар тартибсиз эди. Айтишларига қараганда, рўпа-радаги қатор қилиб осиб қўйилган ҳалта-қопчиқларга ҳўжалиқлар учун, девордаги махсус каттақаларга эса мактаб, ташкилот ва бошқа муассасаларга тегишли газета ва журналлар солиб қўйилар экан. Шу ердан олиб кетишаркан. Лекин ҳўжалиқлардан почтачоларнинг қачон келиб, қачон бу газеталарни тарқатиши ҳақида аниқ бир

гап айтиш қийин. Унганча турмуш қилиб, эскириб, долзарблигини йўқотмасмикин? Мен катталардан бирига қўл сукиб у ердаги газетани олиб кўздан кечирдим. «Халқ сўзи»нинг 7 қирғиб сони. Биз почтага каттаб кун эса 12 октябрь эди.

Муборак опа ҳўжолат тортидан бўлди. Газетадаги ёзувга қараб тумандаги 35-мактабга тегишли нашр эканлигини айтди. Йўллари

тушмагандир-да! Ажабо, янгилигига эгасига етиб бормадиган газета ва журналдан нима фойда? Қолаверса, маърифат тарқатишга бевоқифа дахлдор бўлган мактабларга матбуот биринчи галда етиб бориши керак-ку. Эътиборсизлик, ҳафсаласизлик-туфайли бу ерда газета ва журналлар 5-10 кунлаб қўлиб, мазмун-моҳиятини йўқотиб, эҳтимолки, турган жойида йўқолиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас!

Буни ҳам қўйиб турайлик. Ҳўш, халтачалардаги ҳўжалиқларга «тегишли» уша оз сонли газета-журналлар ўз ўқувчиларига етиб борадими ўзи?

Бу саволга жавоб олиш учун тумандаги «Паркент» ҳўжалиғида бўлдик. «Ҳўжалиғи»мизда алоқа бўлими бор почтачолар ишлаб турибди», — деб айтишди. Лекин, уни қидириб топиб кела олмадилар.

Суриштирсак, бу ҳўжалиқда одамларга тарқатилмайдиган биронта газета ва журнални ўзи йўқ экан. Бу гойтада янчи, ақлга тўғри келмайдиган ҳолат эди. Наҳотки, бутун

бошли катта бир ҳўжалиқда ҳеч ким газета олмабса. Шундай бўлгач, почтачолар нима ҳам иш қилсин, нимани ҳам тарқатсин! У ўзининг қундалиқ тиричилиғи билан андармон бўлиб юрганилиги тибий ҳол.

Ойхўжа Йўлдошев номли ҳўжалиқда бўлганимизда ҳам худди шундай аҳволга дуч келдик. Бухгалтер ёрдамчиси Йўлдош Озмиловнинг гапининг пўсткаласини айтиб қўя қолди.

«Газета ва журналларнинг келмай қўйганига анча бўлди», — деди у, — очиги дунё воқеалари, янгиликлардан беҳабар қолмайсиз. Илоҳини қилиш керак. Эҳтимол

нида ҳам шундай эътирозларни эшитдик. — Севишли нашрларимизга қандай бўлмасин ёзилганимиз келади, лекин, вақтида ололмаганимиздан кейин ўйлашиб қоламиз, — деб айтишди одамлар.

Энди ўз-ўзидан савол туғилад. Наҳотки, матбуот тарқатишдаги бу аянчи аҳвол, пала-партишлик туман раҳбарларини ўйлантирмасе, ташвишга солмасе? Нашрларнинг йил охирига келиб кескин қайиш кетиши йил бошида обунани ташкил этиш ишига ҳўжа қўрсин учун муносабатда бўлинганлиги, юзакчилиқка, қўзғуламачи-

ликка йўл қўйилганлигини кўрсатмайдими?! Нега энди кимларнингдир масъулиятсизлиғи билан юзминглаб аҳолиси бўлган катта-катта туманлар газета ва журналларсиз, аҳоли янгиликлардан беҳабар қолса?!

Тўғри, обуна мажбурий эмас. Кимнинг қайси нашрга ёзилиши иктиёрий иш. Бунинг устига бозор муносабатлари туфайли газета ва журналларга обуна нархи анча қимматлашиб кетганлиғи ҳам рост. Лекин, қидирса, имконият топилади. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг асосий моҳиятини шу мақсадга йўналтириш, обунанинг узвийлиғи ва давомийлигини таъмин этиш гойат долзарб масала. Қолаверса, обунадан тушадиган маблагнинг катта миқдори матбуот тарқатиш билан шуғулланадиган идоралар тасарруфига тушади. Шундай экан нега улар ўз нолларини ҳалоллаб ёйиш, обунани намунали ташкил этиш, газета ва журналларнинг ўз вақтида эгаларига етиб боришига эришиш учун жонкуярлик қилмайдилар. Ахир бу иш уларнинг асосий хизмат бурчлари ҳисобланади. Матбуот тарқатишга бевосита дахлдор республика, вилоят, туман миқёсидаги идораларнинг мутасаддилари бунга нима дейишаркин?..

**Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

ПОЧТАЛЬОННИ КЎРГАН БОРМИ?

ёки жойларда газета ва журналлар обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида

АЗИЗ ДЎСТЛАР! «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна давом этмоқда!

САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛДИ

Охангарон тумани сабзавоткорлари эл дастурхонига 21 минг тонна дала нознемавлари етказиб бериб, белгиланган шартномавий режани ортиғи билан адо этди. Ушбу муваффақиятга «Охангарон», «Ўзбекистон», Собир Раҳимов номидаги ҳўжалиқлар салмоқли ҳисса қўшди. Айни кўнларда туманда картошка ҳосилини йиғиб олиш бошлаб юборилди. Охангаронликлар бу йил истеъмолчиларга 4 минг 700 тонна картошка етказиб беришни режалаштирган.

КУЗГИ ЭКИШ АВЖИДА

Тошкент вилоятининг тоғли тумани — Бўстонликда кузги дон экиш якунлаш арафасида. «Дўстлик» ҳамда «Янгиовул» ҳўжалиқлари галларкорлари эса мавсуми биринчилардан бўлиб тугатди. Айни кўнларда бу ерда галла майдонлари сўғирмоқда. — Мавжуд 5 минг 150 гектар майдонга кузги дон экиши шу ойнинг иккинчи ўн кунлигидега тугатамиз, — дейди туман кишлқк ва сўв ҳўжалиғи бошқармаси бошлиғи А. Юнусов. — Шу мақсадда илтиғмага яқин саялка кунига 100-150 гектар ерга барака уруғи қадамоқда. Уруғлик донни ўзимизда — «Янгиовул» ҳўжалиғида тайёрладик. Шу боисдан ҳам унинг сифатини қўнғилимиз тўқ.

**Н. ДУШАЕВ,
Ў.А. мухбири.**

«ГАНЖБОЙЖОН» ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИГА ИШЛАМОҚДА

қушчима ҳақ олиши лозимли-
гини билмайдиган деҳқоннинг
яҳши ишлаганлиғи табиий.

Айрим жамoa ҳужайкалар
ни ширкатга айлантириш жа-
раёнида таъсис ҳужжатлари
ушбу ҳужайкаларнинг ички ва-
ташки шарт-шароитларига мос-
лаштирилмаган ҳолда «Жамуна-
тўғи» ҳужжатлардан тўғридан-
тўғри қўчима қўринишида тай-
ёрланган. Лунда қилиб айтган-
да, на ҳужайли раҳбари, на бош-
қарув аппарати ва на ҳужай-
лик аъзолари, на пайчилар
ҳужайлигининг ўзи нима

ҚУЁШЛИ ҚАЛАМ СОҲИБИ

Буюк санъаткор тақдири доимо мураккаб тарихий, ижтимоий ва шахсий талотўплар ичида кечи келганига тарих гувоҳдир. Кимдир ўз даврида шухрат топган, кимдир кейинроқ тан олинган, кимдир қувончда, кимдир тушқунликда умргуззорлик қилган. Тақдир ва тарих сийлаб, эркалаган сиймолар орасида ўз вақтида, ундан кейин ҳам ҳурмат ва izzat билан номи тилга олинадиган ижодкорлардан бири тенги йўқ мусаввир Камолиддин Бехзоддир. Фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти соҳиби Тилаб Махмудов билан суҳбатлашиш жараёнида бунга яна бир қарра амин бўлдим.

— Тилаб ака, Бехзод сингари истеъдод соҳиблари ҳар юз йилда бир марта дунёга келади, дейишди. Дастлаб ул зотнинг болалиги, шахси, Шарқ тасвирий санъатида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бехзод Шарқ нафис санъати тарихида эмас, балки умумбашарий кадрлар ҳазинасида буюк санъаткор сифатида тан олинган. Унинг муборак номи Шарқ Уйғониш даври алломалари қаторига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Қомусий олимларимиз, тарихчилар, шоир ва алломалар сингари Бехзод ҳам Оллох юктирган санъаткор эди. У фақат китобларга миниатюралар ишлаш билан чегараланиб қолмай, ниҳоятда юксак дид ва майинлик билан ҳаттотлик санъатида ҳам қомил устоз бўлиб етишди. Бехзоднинг мусика, куй ва газаллар бўлган иштиёқи ҳам оддий ҳавас эмас, балки, санъатга шайдолик ифодаи бўлган. Шунинг учун ҳам уни Шарқ осмонидан порлаган юлдузлар қаторига қўшади.

Бехзоднинг болалиги хусусида айтарили маълумотлар кам. Унинг шахси, ижоди ва маҳорати тааллуқли фикрлар ҳамда ривоятлар унинг қанчалик улкан санъаткор бўлганидан ва бадий ижод билан, ҳунармандчилигини турли соҳалари бўйича ҳар томонлама камолот чўққисига кўтарилганидан далolat беради. Мусаввирнинг Шарқ

нафис санъати тарихида тутган ўрни биринчи навбатда ўзига хос маҳорат мактаби яратганида кўзга ташланади. Тарихда санъаткорлар кўп ўтган. Бироқ уларнинг орасида мактаб яратганлари бармоқ билан санарлидир. Бехзод ҳаётини чуқур ўрганиш ниятида бўлганлар филология фанлари доктори Ориф Усмоновнинг рисола-ларини кўздан кечирсалар кўпгина саволларга жавоб топа оладилар.

— Ўша пайтда, яъни Бехзод яшаган даврда Ҳиротда маънавият ва маърифат барқ уриб яшаган эди. Жамий ижод аҳлига ҳазрат Алишер Навоий ҳоимлик қилгани ҳақида қўллаб биткиларда ҳаяжонли сатрлар бор. Бехзод ҳам буюк шоиримизнинг назарига тушган бўлса керак...

— Албатта. Бехзод Навоийга чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлган. Бевосита Навоийнинг ёрдами, моддий кўмаги туфайли султон Хусайн Бойқаро саройига яқинлашган. Унинг истеъдодини кўрган Бойқаро салтанат кутубонаси бошлиқлигига тайинлаш тўғрисида фармон чиқарган. Не бахти ушбу фармон матни ҳам сақланиб қолган. Бехзод саройда ижод учун деярли катта имкониятларга эга бўлган. Айнан шу йиллари унинг турли китобларга ишлаган ажойиб миниатюралари дунё юзини кўрди. Улуғ мусаввир ўзининг Навоийга бўлган муҳаббати, миннатдорчилиги рамизи сифатида «Навоий гулзори» номли гузал сурат чизган. Бу суратга ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам жуда катта баҳо бер-

гани тарихдан маълум.

Бехзод Худо ярлақанган зот десак янглишмаймиз. Ҳиротни Шайбонийхон босиб олганида рассом яна унинг салтанатида китоб-дорлик вазифасини давом эттириверади. Қачонки Эрон шоҳи Исмоил Хуросонни босиб олган, жуда кўп ўлжалар қатори Бехзодни ҳам ўзи билан олиб кетди ва Табриздаги кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. Шу муносабат билан берган фармонида шоҳ қуйидаги сўзларни ишро этиди: «Аср нодираси, мусаввирлар пешвоси, музаҳҳиблар етакчиси, устоз Камолиддин Бехзодким, унинг чехра очувчи мўйқаламидан Моний жони хижил бўлди, суратга оро бергучи қаламидан Артанг лаҳзалари хижолат чекди. Шунга биноан унга шу нарсаси тааллуқ ва лозим топилсинки, ... шоҳ кутубхонаси аҳолиси ва мазкур жамоат, хусусан, машҳур устоз зиммасига муштавфий ва калон-тарлик иштини топирилган хисоблаб, китобхона ишларини адо этишни унинг зиммасига юклатилсин». Ўз замонасидаги бундай мансаб ва мартабга эришмоқ учун инсон катта истеъдод соҳиби бўлмоғи шарт.

— Тарихда «Бехзод мактаби» деган сўз юради. Шунки қисқача шарҳлаб берсангиз.

— Бехзод асарлари шундан далolat берадики, гарчи у Самарқанд мактаби сарнашмаларида баҳраманд бўлсада, ундан фарқ қилувчи ва ҳақли равишда «Бехзод мактаби», «Хирот мактаби» деб аталувчи бадий эстетик аъна-на-ҳазина вужудга келган. Бадий ижодиётда «Хирот мактаби»нинг пайдо бўлишида, биринчидан, Теурийлар салтанати тутган маданий бунёдкорлик сиёсати катта аҳамият касб этган бўлса, иккинчидан, Ҳиротда Алишер Навоийдек буюк сиймонинг истикомат қилиши ва ижодий фаолият қўрсатиши сабаб бўлган. Чунки, буюк шоир Ҳирот ижодий ҳаётига руҳ ва жон ато этиб турган. Жами-



ки ижод соҳиблари ҳамиша ул зотнинг диққат-этиборидан баҳраманд бўлишган. Демак, «Хирот мактаби»ни «Бехзод мактаби» десак ноҳио. Хирот муҳити ва мактабида тарбия топган, ўз замонада машҳур бўлган Шероз, Бағдод, Самарқанд нафис санъат мактабларидан баҳраманд бўлган Бехзод ўз мактабини яратишга муваффақ бўлди. Унинг ўз мактаби ва тасвир услубига эга бўлганлиги Шарқ ва Ғарбнинг шарҳунос, санъатшунос олимлари томонидан кўп бора эътироф этилди. Мен биргина мисол келтириб ўтай. Афғонистонлик профессор Абдулҳай Ҳабибий шундай ёзади: «Бехзод нақошчилиги IX аср (милодий XV) миниатюра санъатининг олтин даври ҳисобланади». Бу сўзларни шарҳлашнинг асло ҳождати йўқ.

— Камолиддин Бехзод ҳақида жуда ҳам қўллаб буюк шахслар хайратомуз сўзлар баён этишган...

— Мусаввирнинг замондош дўсти Дўст Муҳаммад: «Камолиддин Бехзод замондош мўйқалам соҳиблари орасида энг яхши мусаввир ва ҳаттотларнинг бошлиғи, ўз санъатининг чўққисига эришган улуглардан эди» дея қайд этган. Қози Аҳмад эса: «Ранг-тасвир пайдо бўлгандан буюн бу соҳада санъат аҳли орасида унга тенг келадигани йўқ эди», деб таъриф беради. Хондамир эса: «Устоз Камолиддин Бехзод ажойиб ва гаройиб суратларни яратиб,

ўзининг Монийракам мўйқалами билан инсон зоти томонидан яратилмаган, мислсиз асарларни яратиб келмоқда», деб уни кўкларга кўтаради. Ва ниҳоят, буюк адибимиз Ойбек ёзадики: «Бехзод ҳақли равишда улуг санъаткор расом. Бехзоднинг мўйқалами ҳақи-қатан том маънода сехргардир. Бўёқларнинг майин гўзаллиги, доимий оҳанги, япроқларнинг ёрқин кўзга ташланган маъноси билан бу рассом ўз санъатининг қайта келмас бир моҳирдир».

— Тилаб ака, бу йил Камолиддин Бехзоднинг 545 йиллиги Ватанимизда кенг нишонланади. Унинг муборак номи юртимизнинг ҳар бир гўшасида тилга олинмоқда.

— Бехзоднинг номи билан Ватанимизда Санъат ва дизайн институтининг ташкил қилиниши, унинг номида Давлат мукофоти таъсис этилиши буюк мусаввир бобокалонимизга кўрсатаётган эҳтиромимизнинг бир уқунидир. Хали Бехзоднинг ҳаёти, шоғирдлари, ижоди тўғрисида ўрганилмаган, унинг ҳар бир асари хусусида биттадан китоб ёзиш мумкин. Насиб этса шундай кун келади, унинг муборак нафаси ҳамиша ижод аҳлига ҳам-даму ҳамкор бўлади.

Суҳбатдош Теуур
УБАЙДУЛЛО.

Ҳаракат ҳавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСАЛАР КАМАЙМОҚДА, АММО...

Кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, куз фас-лининг келиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши оқибати-да йўл-транспорт ҳодисалари кўпаяди. Бундай кўнги-сиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳайдовчиларни меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш мақсадида «Ўзвоттранс» корпо-рацияси қарори билан октябрда «Кузги йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш» ойлик кўриги ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирда концерн-миз жамоаси ҳам фаол иш-тирок этаяпти. Умуман кон-цернимизда бу муҳим маса-ла доим эътибор марказида тутилмоқда. Йил бошидан бери бу соҳа бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини берди. Концерн бўйича 1999 йилнинг шу даврига нисба-тан қоидабузарликлар сони 23 фоиз, йўл-транспорт ҳо-дисалари сони 10 фоиз, ҳа-дод бўлганлар сони 33,3 фоиз ва тан жароҳати олганлар сони 27,3 фоиз камайишига эри-шилди. Концерннинг 12та ав-токорхонасидан 5таси, яъни Чирчиқдаги 2-, Ангрендаги 72-, Тўйтепадаги 74-, Янги-бозордаги 121- ва Бўстонлиқ-даги 125- акциядорлик авто-корхоналари жорий йилнинг 9 ойи давомида йўл-транс-порт ҳодисаларисиз ишлади-лар.

Ҳамма автокорхоналар жамоаларида концерн ра-ҳбарлари ва маҳаллий ДАН хо-димлари иштирокида йиғи-лишлар уюштирилиб, кузги кўриқнинг ўтказиш сабаблари ва унинг моҳияти ҳайдовчилар-га тушунтирилди. Уларга йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш, бу даврда ҳаракат ҳавф-сизлигини таъминлаш, шу кун-ларда долзарб бўлган пахта йиғим-терими мавсумида бе-талафот ишлаш бўйича 1,5 минг нафар ҳайдовчи билан йўриқномалар ўтказилди.

Кўрик бошланиши арафаси-да автокорхоналардаги мавжуд 2 мингдан зиёд транспорт во-ситалари тафтишдан ўткази-либ, уларнинг техник ҳолати синчиклаб текширилди. Жид-дий носолиқларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқ-да. Ҳаракат тарихларини киши-ки масвумга тайёрлаш ишла-рини давом эттириб, уларни паспортлаштириш ўтказилди. Ҳамма жойда керакли микдор-да қум ва туз захиралари тай-ёрлаб қўйилди.

Ҳайдовчиларнинг йўлларда автомобилни маст ҳолда бо-шқаришининг олдини олиш ва уларнинг саломатлигини дои-мий назорат қилишга автокор-хоналардаги мавжуд 14та тиб-бий пункт ҳодимлари жалб қилинди. Улар мунтазам ра-вишда ишга чиқаётган ҳар бир ҳайдовчини эрталаб тиббий кўриқдан ўтказишмоқда. Фа-қат соғлом ва ҳушёр бўлган ҳайдовчининг ишга чиқишига рухсат берилаяпти. Ҳайдовчи-ларнинг йўлдаги ишини, ай-ниқсан, пахта ташувчи автомо-билларнинг ишлашини назор-ат қилиш мақсадида авто-корхона ҳодимларининг нав-батчилик жадваллари тузил-ди. Бу ишга 50дан зиёд хо-димлар жалб қилинган бўлиб, улар йўлларда, пахта ортши-ва тушириш пунктларида тек-ширув ишлари олиб бормоқ-далар, пахта ҳосилини нес-но-будгарчиликларсиз ташиб-беришга уларнинг ҳиссала-рини қўшмоқдалар.

Кўрик гоилибарини тақдир-лаш тартиби ҳам белгиланди. Бу муҳим тадбирда яхши на-тижаларга эришган автокор-хона жамоалари раҳбарлари-га пул мукофоти берилди. Ўз навбатида корхоналарда кўриқда фаол иштирок этган ҳайдовчиларни ҳам рағбатлан-тириш назарда тутилган.

Ўзбек АЗИЗОВ,
«Тошвилюктранс»
концерни бош
директорининг
уринбосари.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2000 йил 1 октябрдан электр алоқаси корхоналарининг қуйидаги айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилганини эслатиб ўтади

ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАР

Йўналишлар	Ҳар бир сўз учун тўлов микдори (сўмда)	
	оддий	шошилинч
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон), Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон	62	124
Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия	140	280

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОНДАГИ СЎЗЛАШУВЛАР

Йўналишлар	Ҳар бир минут учун тўлов микдори (сўмда)
Марказий Осиё	200
Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон	350
Европа	990
Осиё: Бахрайн, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия, Малайзия	1110
Осиёнинг бошқа мамлакатлари	1320
Америка, Африка	1100
Австралия	1500

Шошилинч тариф бўйича сўзлашувлар учун икки қарра ортиқ ҳақ тўланади. ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«Тошкент-Телеком» ОАЖ.

ШАМОЛ — ЭП ХИЗМАТИДА

Маълумки, энергетика — ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётининг моддий асоси ҳисобланади. Энергетиканинг барқарор суръатлар билан ривожланиши учун энергоресурслар билан узоқ муддатга қафолатланган, ишончли таъминот тизимини яратиш керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўз захиралари хисобидан ёқилиш мустақиллигига эришди. Бироқ иқтисодиётимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи ушбу захираларнинг ҳам, уларни аниқлаш ва фойдаланиш технологи-яларининг ҳам экологик жиҳатдан ҳавфсиз бўли-шини тақозо этади. Чу-

нончи, республикада фақат стационар манбалар томонидан ҳар йили атмо-сферага 850 минг тонна, яъни ҳар жон бошига 40 килограммдан тўғри кели-ши мумкин бўлган зарар-ли моддалар қақрилади. Бу борада ёқилиш ва энер-гетика соҳалари, шунинг-дек, ёқилиш ресурсларидан фойдаланувчи қатор соҳа-

лар атроф-муҳитга энг кўп миқдорда зарар етказмоқ-да.

Шу сабабли ишлаб чи-қарувчилар олимлар билан ҳамкорликда муқобил энергетика манбаларини, экологик ҳавфсиз манба-ларни қидириб топиш у-стида иш олиб бормоқда. Бу — сув, қуёш, шамол, ўсимлик биомассаси қув-вати демакдир. Аммо улар-ни қайта ишлаш мослама-ларини барча жойда бир-дек қўллаб бўлмайди, бар-ча жойда ҳам бирдек иқти-содий самаралар эришиш маҳол. Давлат фан ва тех-ника қўмитаси ва Ўзбекис-

тон Фанлар Академияси-нинг энергетика ва автома-тика институты танлов да-стурлари доирасида ишлаб чиқилган лойиҳа шамол энергиясидан фойдаланув-чи жиҳозни жойларга мос-лаштиришга бағишланган.

Лойиҳа устида иш олиб бориш жараёнида респуб-лика ҳудудларидаги эколо-гик вазият, аънавий энергоресурслар имкония-ти, марказлаштирилган ти-зимлар энерготаминоти-даги тақчиллик ва бошқа кўрсаткичлар таҳлил қили-нди. Натижаларга кўра, ша-мол электр мосламаси асосида энергия ишлаб чи-

қариш мумкин бўлган жойлар аниқланди. Хусу-сан, бир қатор вилоят-ларнинг қатор туманла-рида насос кўтарма стан-циялари, қорачилик объек-тлари, чекка аҳоли пунктларини энергия бил-ан таъминлашда шамол-дан фойдаланиш тавсия этилди.

Олимлар тавсиялари-нинг ҳаётга жорий этили-ши, иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун эколо-гик ҳавфсиз энергия ман-балари устида олиб бо-риладиган изланишлар самарадорлигини оши-ришга хизмат қилади.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ЖАҲОН НИГОҲИ ЯҚИН ШАРҚДА

Билл Клинтон ва Мадлен Олбрайт Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш учун Шарм аш-Шайхга йўл олган, жаҳоннинг нигоҳи гўё ерини шу нуқтасига қадалди. Иордан дарёсининг гарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидagi зиддият сўнгги кун-ларда бироз сўнггандек. Фаластинликлар ва Исроил ҳарбий бўлинмалари ўртасидаги ўқтин-ўқтин тўқнашувлар бироз камайган. Аммо бу муваққат осийишталик янги ларга билан тугамаслигига ҳеч ким қаролан бера олмайди. Икки ҳафтадан ошқ давом этган зиддиятлар мобайнида бу ерда юзта одам ҳалок бўлди.

Шарм аш-Шайхда ўтказилаётган саммит-да АҚШ президентида ташқари Миср пре-зиденти Хусни Муборак, Иордания қироли Абдулла II, Евроиттифоқ вакили Хавьер

Солан ва БМТ Бош қотиби Кофи Аннан ишти-роқ этмоқдалар. Бироқ қузатувчилар бу сам-митдан бирор иш чиқишига шубҳа билан қара-моқдалар. Зеро, Ёсир Арофат ўз берган зўра-вонликлар сабабини ўрганувчи комиссия ту-зишни талаб қилиш билан бирга Исроил ар-миясининг Фаластин шаҳарларидан узоклаш-тиришни, Исроил Фаластин автономиясини қамал қилишни тўхтатишни, Исроил солдат-лари тинч аҳолини ўққа тутишни бас қилиш-ни талаб қилаяпти. Ўз навбатида Эҳуд Барак Исроил солдатларининг тошбурон қилиниши-ни талаб қилишни, ўтган ҳафта озод этил-ган «Хамас» экстремистик ташкилоти аъзола-рининг ҳибсга олинишни, фаластинлик қуrol-ланган бўлинмаларни қуrolсизлантиришни, ав-тономия ҳукмати яқудийларнинг муқаддас жой-лари ҳавфсизлигини таъминлашни талаб эта-япти.

БОКАН ҚОТИЛИ КИМ?

Греция полицияси Афинада Югославиянинг энг бадав-лат кишиларидан бири Владимир Боканинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноятни очишга уринмоқда. В. Бокан Юго-славияга иқтисодий жазо чоралари жорий қилинган пайт-да анча бойлик орттирган эди. Унга 1992 йилдан буюн уч марта суиқасд уюштирилган ва барчаси барбод бўлган эди.

ХОРИЖЛИКЛАР РАҚОБАТИ

Эрон меҳнат бозорига чет элликлар маҳаллий аҳоли билан қучи рақобатга киришмоқда. Исфахон вилоят-ининг ўзида хорижликлар 220 мингга яқин иш ўрини эгал-лаб олган.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Кот-д'Ивуар ҳарбий ҳукумати бир ҳафталик фавқулодда ҳолат ва комендант-лик соатини яна узайтиришга қарор қилди. Бунга элликка яқин кишининг пойтахт қўчаларида тартибсизликлар содир этгани сабаб бўлди. Улар Олий суддан мамлакатнинг собиқ бош вазири Алассана Уаттаранинг номини президент-ликка номзодлар рўйхатига қўишни талаб қилди.

Фавқулодда ҳолат ва комендант-ли соати 22 октябрда президент сайлови ўтказилиши режалаштирилгани муносаба-ти билан эълон қилинган эди.

ТАРИХДА ИЛК БОР

АҚШ президенти Билл Клинтон Шимолий Корея мудофаа қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чо Мен Рокни қабул қилди. Учра-шувада икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни тиклаш ҳамда Корея яриморлиги ҳавф-сизлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Бундай учрашув АҚШ билан КХДР ўртаси-даги муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деди Б. Клинтон муло-қот чоғида. У Шимолий Корея расмий вакили билан учрашган биринчи АҚШ президенти-дир.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

**ХАЛҚАРО
ҲАЁТ**
мамлакатлар одамлар воқеалар

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Испания полицияси ўзларини ЭТА (баск айирмачи-лари ташкилоти) жангарилари, деб таништирган ва маҳал-лий тадбиркорларнинг биридан катта пул талаб қилган безорилар гуруҳини қўлга олди. Безорилар тадбиркорни ва унинг оила аъзоларини кўрқитиб, ЭТА жангарилари баск бизнесменларидан оладиган «инқилоб солиғи» сифатида олтиш миллион песет (360 минг еврога тенг) ундиришга ҳаракат қилган.

● Индонезиянинг Амбон оролидаги насронийлар яшай-диган қишлоқларга ҳужум уюштирилди. Бироқ, бу ерда жангарилар полиция қаршичилигига учради ва катта талафот кўрди. Айни пайтда мамлакатнинг диний асосдаги низолар авж олган ҳудудда ҳавфсизлик ҳодимлари тўқнашув иш-тироқчиларига ҳеч қандай оғохлантиришсиз ўқ узиш ҳуқуқига эга.

● Расмий Пекин АҚШ президенти Билл Клинтоннинг Хитойга «савдо шериги» макomini бериш ҳақидаги ҳуж-жатга имзо чекканидан мамнуният билдирди. Бу қарор бир томондан АҚШ товарларини Хитой бозорига киритишда дуч келинаётган тўсиқларни бартараф этса, иккинчи то-мондан, Хитой учун Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш имкониятини яратди.

**БУ
ТУРФА
ОЛТАН**

● Ватикан машҳур ин-глиз ёзувчиси Оскар Уайлд асарларини мутолаа қилиш мумкинлиги ҳақида фатво берди. Авваллари Рим-като-лик черкови бу адибни бекосолбоэликда айбала-битибларини ўқилиши таққ-лаб қўйган. Ушбу авф адиб вафотининг ўз йиллигига тўғри келмоқда.

● Ноябрь ойида Хи-тойд навбатдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди. Дунёдаги энг сехроҳли хисобланган маз-кур мамлакатда бу тадбир-ни амалга ошириш жуда муҳим. Зеро, Хитой ҳуку-мати унинг натижаларига қараб, мамлакатнинг иқти-содий ва ижтимоий истик-болини белгилайди. Ҳозир Хитойда 350 миллион оила бор.

● Гондураслик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Лео Валдареснинг эркакот ўғли кўчада балогатга етмаган тиланчиға садақа бериш урини, унинг кўзига чекиб турган сигаретини босгани учун ҳибсга олинди. Энди «инсонларга» Л. Валдарес кимни ҳимоя қилишни би-лолмай ҳайрон.

Муштарий мактуби

БИЗ КИММИЗ ЎЗИ...

Дугонам билан меҳмонга кетаётгандик. 116-автобуска чиқиб ўтирдик. Эшикдан чиқиб, ичкари ўтганимни биламан, оркамдан биров тўнгиллади:

— Сал қолса, оёғимни босиб, мажлаб кетаринг-а! Кўзинг борми ўзи?

Карасам, қўлтиқ таёғини ёнига қўйиб олган ногирон, 40 ёшлардаги амаки. Туппа-тузук кайфи бор. Нима кори-ҳол бўлиб, унинг ўнг оёғи тўпигидан пасти кесилиб, протез қўйилган, болдирдан тиззасигача темир шина ўрнатилган. Хушрўйгина бу одамни кўриб ачиниб кетдим. Хаво иссиқ эди. Кўёш тиккага келган, бор савоҳатини автобусга пуркаётгандай... Йўловчилар асабий, шофёр тажанг.

— Юрмайсизми, ака! Исикни қаранг! Автобуснинг ярми тўлди-ку!

— 21 минг план бераман. Тўртта одам билан қандоқ бажараман? — тўнгиллайди ҳайдовчи.

— Автобусни сасиб кетганини қаранг, нима, ҳамма сассикни хидлаб ўтириши керакми? Йўқса, манави ичган одамни тушириб юборинг! — деди йўловчилардан бири.

Энгил тортаётган шофёр ногиронга ёпишди:

— Туш машинадан...

— Кимга ёмонлик қилдим! Жимгина ўтирибман-ку! — деди у хомуш тортиб.

— Дўхтирга кетяпман, Тош-Мига, шиналарни олдири-

шим керак. — У шимининг поччаларини кўтарди. Шина симлари кирган жойлар кизариб кетганди.

— Ён! Кўрсатма! — бақирди халиги одам. — Туш автобусдан.

Унга шофёр қўшилди:

— Бу ТошМига бормаиди, туш!

— 116-автобусми бу? — қайта сўради ногирон.

Шофёр ногироннинг туришига ҳам қаноат қилмай, унинг елкасидан турткилади.

— Тушяпман-ку! — эътироз билдирди алкаш, — нега туртасан?

Кўлтиқ таёғини аранг олиб, инкиллаб-синкиллаб пастга тушди.

Хеч ким индамади, шу жумладан мен ҳам жим тураредим. Шўрлик ногирон экан, бошқа автобус қачон

ҚАЗ

ЎСТИРГАН

АЙВОРАМИ?

Ўзбекистоннинг янги асарлари

Омён МУХТОР

ДЕНГИЗ ТУБИДА

(Роман-саёҳатномадан бир боб)

У ён-вёридагиларнинг узук-юлук гап-сўзларига аралашолмай, мен нега бу ерга келдим, деб ўйлаётган, беихтиёр ҳаёлга ботган эди.

Одатда, йигит-қизлар ўқиш, иш жойи, баъзан кўча-кўй, баъзан турли театр, кинотеатр дегандек томошагоҳларда танишишди.

Биров ажабланиши, биров тиржайиши мумкин:

Иброҳим Марварид билан бу гўшалар эмас...

«Хайвонат боғи»да танишган эди.

Ушанда Марварид фил айланиб юрган тўр-сим ичидаги майдонча қаршида — бир ҳаррак четда мунгайиб ўтирар эди. Иброҳим адашиб-улоқиб «Хайвонат боғи»га кирган, кезиб юриб толиққан эди. Ногоҳ улар гап-лашиб қолишди.

Кейин, учраша бошлашди.

Марварид «Болалар уйи»да ўсган эди. Ота-онасини билмайд. Яқин бирон кишии йўқ.

Эгаллаган бошланаси йўқ. Топган мол-мулки йўқ.

У ҳозир ҳам қайсидир ётоқхонада яшаб юрар эди.

Қандай бўлмасин, бу қизнинг (дунёда) Иброҳимдан бўлақ ҳеч кимга кераклиги йўқ эди!

Иброҳим ҳар қачон Марварид тўғрисида ўйлаганида, юрак-бағри ўтаниб кетар эди.

«АТО

ЭТИЛГАН

МУҲАББАТ»

Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси учун бу йил ижодий ютуқлар даври бўлди, дейиш мумкин. Чунончи, жорий йилнинг март ойида ўтказилган ёшлар театраларининг халқаро «Хумо-2» фестивали нафақат юртимиз санъат ихлосмандлари ва театр-шунослар, балки Германия, Франция, Ис-роил, Россия, гузалик иштирокчиларга ҳам манзур бўлди. Шу йилнинг ёз ойларида ижодий жамоа Қаршида ўтказилган театр-студиялари фестивалида иштирок этиш билан бирга, сентябрь ойида Самара шаҳридаги болалар санъатининг «Олтин шолғом», Ростов-Дондаги «Минифест» халқаро фестивалида муваффақиятли қатнашди.

Ўзбекистон Ёшлар театри Россиянинг Кузнецк шаҳрида бўлиб ўтган майдон театрлари халқаро фестивалида ўз санъатини намойиш этди. 2001 йилда Москвада ўтказилган учинчи умумжаҳон театрлар олимпиадаси доирасидаги бу анжуман ўзбекистонликлар учун ўзига хос синов бўлди, дейиш мумкин. Босиб буюк Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари асосида режиссёр Наби Абдурахмонов томонидан сахналаштирилган «Ато этилган муҳаббат» спектакли барчада бирдек катта таассурот қолдириб, фестивалнинг махсус соврини билан тақдирланди.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Кўпнинг кенгашига

Жамиятимизда оила, никоҳ масалаларида чиройли тадбирлар, тўйлар билан бир қаторда ажралишдек хуш ҳаёт ишлар ҳам бўлаётгани, солиҳ одамларнинг бу ҳақда ўйлашмаслики ҳақлари йўқ. Чунки никоҳдан ўтган ҳар юз оиланинг 18-21 таси ажралиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин шу ўринда нега ажралишлар бунчалик осон нарсага айланыпти, деган савол туғилиши табиий. Лекин, бошқа тарафдан оиланинг яхлитлигига хизмат қилувчи, унинг бузилишига тўсқин бўлувчи асос борми, энг кичкина жиноятга жазо бериш бунда нега йўқ, деган яна бошқа саволлар ҳам кўндаланг бўлади.

Оила турли сабабларга кўра бузилади. Бунда иккала тарафнинг ҳам «айблари» бўлиши мумкин. Бугун кўтарилаётган муаммонинг долзарблигини тасаввур этиш учун ўзбекчилигимизга хос бўлиш ҳолатни биргаликда таҳлил этайлик.

Келин олмоқчи бўлган хонадон ўғилнинг оилага бошчилик қила олмаслигини, унинг ҳали на илми, на ҳунари йўқлигини, асосийси ҳар жиҳатдан баркамол эмаслигини била туриб, туппа-тузук оиланинг эшиги қоқилади. Бўлажак кўёв кўларга кўтарилади, келинга жаннатомуз ҳаёт ваъда қилинади. Хуллас, қиз тараф қўнади. Уйланса худо инсоф берар, ота бўлгандан кейин ақли кириб, қуйилиб қолар, қабилида ҳаёл қиладилар. Агар яшаб кетолмаса, нима кўп, қиз кўп, бошқасини олиб бераман, деб бўлажак қайнота ўзига тасалли ҳам беради. Демак, қиз боқиб ўстирган оила қизни эмас, бўлажак онани эмас, «эҳтиёт қисмини» тайёрлар экан-да?! Шундайми? Ахир ўғли борнинг қизи ҳам бор. Эртага бошқа бировлар қизига шундай муносабатда бўлиши, камситилиши мумкинлигини ўйламайдиларми? Ахир «нима экансан шуни ўрасан» деган мақол бор-ку?!

Совчилар ҳам келди дейлик. Икки тараф тўй кунини белгилашади. Сарф-харажатлар, тўй берилиши, чарлармо, чақириклар барча-барчаси муқомадан ўтади. Никоҳ ўқиладиган кун бўлажак кўёвнинг отаси озгини кўйдириб келинимизнинг маҳрига уни бераман, бунга бераман деб ваъда кили қўёв қилади. Иккала тараф хурсанд, келин эса орзулар денгизига суза бошлайди.

Биринчи синф ўқитувчиси Гулфара опа сўрапти:

— Раҳима, ўзбек тилидаги алфавити биласми?

— Ҳа, албатта биламан.

— «Адан кейин қайси ҳарфлар келади?

— Қолган ҳаммаси!

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Даврада қизик қайфият... бу ерда (гўёки) томоша тугангани ёки ҳамон бошланмагани эди! Орадан яна жилла вақт ўтган — (балки, олдинги томоша тугаб, янги) томоша ҳам бошланди.

Иброҳим худди шундай бўлишини юра-гиди сезган ва (ўзи-ўзини алдаб) ажабо! — бундай бўлмади, деб ишонган эди...

Унинг «эски оғайнилари» қутилмаганди. Файрат ака келмоқчи эдилар, тугилиб қолди-ларини, келмаптилар, деб тавишланган, нотинчлана бошлашди. Улар афтидан, ошга гуруч солмай, Бош Раҳбарнинг йўлини пой-лашаётган эди.

— Сизлар бошлайверинглар, мажлисим бор, лекин етиб бораман, деган эдилар! — Ваъда берган бўлсалар, келадилар! — Келишлари керак!

Иброҳим рўй берган ҳолатдан қанчалик эзиллиб, асабийланмасин, аввалига ўзини ўта оёқсизга тутишга уринди. «Файрат Нусрат келса, келипти! Келмаса, келмапти! Сенга нима?! Кўнглингга ёқмаган одам билан (умрингда, ҳеч қачон) бир даврада ўтирмаганисан?! Жуда дўппи тор келса, турсан-кетаверасан! Биров бўйингидан боғлаб қўйибдимми?! Ёки, бировдан қўрқа-диган жойинг борми?!»

Аммо ҳаммаси ҳали олдинда эди! Кўп ўтмай...

Кабир Ҳожи бачканалик қилди.

Бир четдаги каттақон қопчиқни очиб, Файрат Нусратнинг мойбўёққа ишланган расмини чиқарди. Чойхона айвони устунига шомшадан илиб қўйди:

— Файрат ака келсалар, кўриб хурсанд бўладилар! Яқинда чиздирган эдим. Сов-га қилмоқчи эдим...

Иброҳимнинг энаси қотди.

«Бу йигит ёки унинг эгизаклари тугилган кунга Файрат Нусратнинг нима алоқаси бор?! Хўп, буниси майли. Файрат Нусрат ким, биров даҳони ёки доҳимни?! Ҳатто ўшандай бўлган тақдирда ҳам...

Оллоҳдан бошқасига Сигинмагин, деганлар! У эслади:

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Оллоҳдан бошқасига Сигинмагин, деганлар! У эслади:

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

КЕЛИНГ, БИР ҚУЛИШАЙЛИК

Кимё муаллими синф тахтасига бир формулани ёзarkan, сўради:

— Қани, айтинглар-чи, бу қандай формула?

— Тилимнинг учидан-ю, эсимга келмаяпти-да, — деди бир ўқувчи.

— Дарров туғлаб ташла, ахир, бу кислота-ку, тентак!

Биринчи синф ўқитувчиси Гулфара опа сўрапти:

— Раҳима, ўзбек тилидаги алфавити биласми?

— Ҳа, албатта биламан.

— «Адан кейин қайси ҳарфлар келади?

— Қолган ҳаммаси!

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

ЎЗ-ҲАВО

Республика об-ҳавони ку-затиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 18-21

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Фатҳиддин

МУХИДДИНОВ

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар

бўлими: 133-40-48

Эълонлар: 133-40-48,

136-57-27.

• Эълон ва билдиру-

лардаги факт ҳамда да-

лалларнинг тўғрилigi учун

реклама ва эълон берув-

чилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8.

Буюртма Г-905.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Саҳифаловчи: Қодир ҚАЮМОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Қорхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206.

Босишга топшириш вақти — 20.00.

Босишга топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6